

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Samarqand tumani

НОКИМИ



Ўзбекистон Республикаси  
Самарканд вилояти  
Самарканд тумани

ҲОКИМИ

## QAROR

2012 yil "28" дачар

39-Q sonli

Тумандаги «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Шарипова Мавлудага тегишили уй-жойининг бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Шарипова Мавлуда туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2002 йил 5 феврал 58-Қ сонли қарорига асосан унга тегишили бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Шарипова Мавлудага тегишили уй-жойига таёрган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишили ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган хужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор билан тасдиқланган Низомига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Шарипова Мавлудага тегишили умумий 366,24 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойининг курилиш тагидаги ер майдони 172,57 м.кв. дан иборат, шундан А3-литердаги 1-та яшаш хонаси ва 1-та даҳлез жами: 63,78 м.кв қисми (қишлоқ хўжалик махсулотларини саклаш омборхонаси сифатида фойдаланиши учун) нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солик инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғин (Г.Каримова)ларига фуқаро Шарипова Мавлудага тегишили уй-жойни бир қисмини нотурар жой тоифаси (қишлоқ хўжалик махсулотларини саклаш омборхонаси)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишили хужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Шарипова Мавлуда зиммасига: а) қишлоқ хўжалик махсулотларини саклаш омборхонасининг ташки кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қиласи ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастри хужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринbosари Б.Ходиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Samarqand tumani

НОКИМИ



Ўзбекистон Республикаси  
Самарканд вилояти  
Самарканд тумани  
ҲОКИМИ

## QAROR

2010 yil "28" январ

Samarqand tumani

97-Q sonli

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Узунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасига алоҳида хона қуриш ва антенна-мачта қурилмаларини ўрнатиш учун 270 м.кв. ер майдони ажратиш хақида.

Самарқанд туман ҳҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўужалиги, дехқон ва фермер хўжаликларига ва бошқа ташкилот корхоналарига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи комиссияси йиғилишининг 2010 йил 26 январдаги 4-сонли хулосаси ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Узунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Узунробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонасига аҳолига алоқа хизматини яхшилаш ва кўпайтириш мақсадида МЧ «Мехробод» агротехсервис агрофирмаси ер харитасининг 466 контуридаги қишлоқ хўжалигига фойдаланмайдиган туман Давлат захира ерлари ҳисобидан алоҳида хона қуриш ва антенна-мачта қурилмаларини ўрнатиш учун 270 м.кв. ер майдони ажратиш хақида Самарқанд туман ҳҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) хўжалиги, дехқон ва фермер хўжаликларига ва бошқа ташкилот, корхоналарига ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи комиссияси йиғилишининг 2010 йил 26 январдаги 4-сонли хулосаси тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан 2011 йил 1 январ холатига туман Давлат захира ерлари балансига ўзgartириш киритиш туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев